

ЯНГИ ИНСЕКТОАКАРИЦИД ПРЕПАРАТЛАР СИНОВЛАРИ

Рахимов Мухамад *Ветеринария илмий
тадқиқот институти*

Summary

Data on elaboration deltamethrin preparation, keratin preparation show relatively high (95-100 percent) therapeutic and insectoacaricide effect against such livestock and sheep diseases as gyalommoz (Hyalomma), rificsefalez (Rhipicephalus), trihodectoz, sufunkulyatoz. in the article. It would be reasonable to continue studying the works of therapeutic and parasiticidally qualities of these preparations.

Keywords: therapeutic, insectoacaricid preparation, effect, livestock, parasiticidally qualities

Кирриш: Республикамизда чорва молларини кўпайтириш ва уларни махсулдорлигини ошириш долзарб масалалардан бири бўлиб, келмоқда ва бу соҳада муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, чорвачиликда иқтисодий ислохотлар ўтказилмоқда, шахсий, хусусий, деҳқон (фермер) хўжаликлари ҳамда чорвачилик фермалари ташкил қилинмоқда ва ривожлантирилмоқда.

Янги ташкил қилинган кичик чорвачилик хўжаликлари шароитида кейинги йилларда чорва моллари орасида илгари учрамаган ёки паразит сифатида аҳамиятини йўқотган (линогнатус, дерманиссус, саркоптес каби) экто- ва эндопаразитлар пайдо бўлмоқда ва иқтисодий зарар келтирмоқда.

Шундай экан, зарarli турларнинг популяцион динамикасини уларни ялпи қупайиб кетишини прогноз қилиш ҳамда зообиоценозларни биологик барқарорлигини регуляция қилиш чораларини ўрганиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Мақсад: Янги пиретроид препаратларнинг эктопаразитларга қарши терапевтик ва паразитоцидлик хусусиятларини қорамол ва қўйларда ўрганиш.

Тадқиқот услуби: Терилган эктопаразитлар тури арахноэнтмология лабораториясида қўлланма ва аниқлагич жадваллар ёрдамида «Определитель пухоедов Mallophaga домашних животных», «Атлас исодоидных клещей», «Определитель членистоногих, вредящих здоровью человека» ҳамда бошқа махсус адабиётлар ёрдамида аниқланди.

Тадқиқотлар натижалари: 1. Аниқланган Trichodectidae, Menoponidae, Philopteridae популяциялари муттасил (доимий) паразитлар бўлиб, ҳайвонларнинг соч, тук қатламлари билан озиқланадилар, яъни маллофаглардир. Булар турларининг хилма-хиллиги озиқлантирувчи хўжайнплари биологияси билан узвий боғлиқдир. Қон сўрувчи каналарнинг кўплари ҳайвонларнинг вақтинчалик эктопаразитлари, баъзилари эса доимий эктопаразит ва ҳатто эндопаразитлар ҳисобланади.

Бу йилнинг чорак қисмида чорва молларида хусусан қорамолларда каналар миграцияси кузатилмади. Лекин триходектоз касаллиги кам миқдорда кузатилди. Бу ҳолатга февраль ойининг охири ва март ойининг боши ва ўрталарида ҳавонинг кескин совиб кетиши сабаб бўлди деган ҳулосага келдик.

2014 йилга нисбатан 2015 йилда эктопаразитларнинг эндемик миграциясини кечикганлиги кузатилди.

Эктопаразитларнинг экологияси ва феномиграциясини ўрганиш билан бир қаторда қорамолларнинг триходектоз, сифункулятоз, гпаломмоз, рифицефалёз касалликларига қарши Навоий “Электрохимзавод” КК-ЁАЖ да ишлаб чиқарилган маҳаллий ўсимлик пиретроиди суми-альфа 20 фоизли концентрат эмульсияси ва NEBEI NEW CENTURY PHARMACEUTICAL CO., LTD, Хитой компаниясида ишлаб чиқарилган дельтаметрин 5%, каратин 50 (5%) концентрат эмульсия- инсектоакарицид пиретроид препаратларининг қўлланиш тажрибалари ўтказилди.

Суми-альфа (эсфенвалерат) 20 фоизли концентрат эмульсияси - инсекто-акарицид препарат. Таъсир қилувчи моддаси: (S)-3 - метил-2-(4- хлорфенил) масляной кислоты (S)- циано -3- феноксибензиловый эфир.

Кимёвий синфи - пиретроид (синтетик ўсимлик пиретроиди). C₂₅H₂₂ ClNO₃.

Ёпишқок, саргич ёки қаттиқ модда. Эриш ҳарорати 48-56 °C, қайнаш ҳарорати 151-167

°C. Сувда эмульсия ёхуд (кукуни) суспензия ҳосил қилади, органик эритувчиларда яхши эрийди. Ёруғлик таъсирида бузилмайди. Иссиққонли ҳайвонлар учун ўртача заҳарли. Каламушлар учун ЛД₅₀399 мг/кг. Хавфлилик даражаси бўйича - 3 класс. Тери-резорбтив заҳарлилиги - паст даражали. Асаларилар учун контакт заҳарли. Балиқлар учун юқори заҳарли. Ҳашаротларга нисбатан инсектицид ҳамда, “нок-даун” (қисқа вақт қарахт қилувчи) таъсирга эга.

Дельтаметрин 5% концентрат эмульсия-инсектоакарицид пиретроид препарат, таркиби- ог - циано- 3 - феноксибензил цистранс- 2,2- диметил- 3 - (2,2- дихлорвинил) циклопропан - карбоксилат. Б гуруҳга мансуб.

Препарат 5% ли сувли эмульсия холида HEBEI NEW CENTURY PHARMACEUTICAL CO., LTD, Хитой компаниясида ишлаб чиқарилган..

Каратин 50 (5%) эмульсия концентрати-инсектоакарицид пиретроид препарат, таркиби- ог - циано- 3 - феноксибензил- (RS) цистранс- 2,2 - диметил - 3 - (2,2- дихлорвинил) циклопропан - карбоксилат. Б гуруҳга мансуб.

Препарат 5% ли концентрат, эмульсия шаклида HEBEI NEW CENTURY PHARMACEUTICAL CO., LTD, Хитой компаниясида ишлаб чиқарилган.

“Тепакшлок” ва “Ўртақшлок” маҳаллалари хўжаликларида 12 бош *Trichodectes bovis* (сочхўрлар) билан зарарланган моллар суми-альфа 20 % ли препаратининг 0,012% ли сувли эмульсияси билан дориланди (териси юзасига пуркалди). Дориланган моллар 3 кун давомида кузатилди. Препаратнинг самарадорлиги 2 кундан сўнг 100% ни ташкил этди. Кузатувлар мобайнида дориланган моллар физиологик ҳолатида препарат салбий ўзгариш чақирмади.

Шахсий хўжаликларнинг бирида 3 бош қорамол, 1 бош сигир ва 2 бош новвоснинг псороптоз билан касалланганлиги аниқланди (100%). Улар суми-альфа препаратининг 0,012% ли (2 л/бош) ишчи эмульсияси билан пуркаш усулида дезинсекция қилинди. Дориланган моллар 10 кун мобайнида кузатилди. Қайта дориланган молларда касаллик аломатлари бутунлай йўқолди. Препарат юқори терапевтик самара кўрсатди (100%).

“Тепакшлок”, “Ўртақшлок” ҳамда “Богизогон” маҳаллаларидаги шахсий хусусий хўжаликларда мавжуд 53 бош қорамол текширилди ва 6 бош қорамолда *Trichodectes bovis* (битлар, сочхўрлар) эктопаразитлари аниқланди. Бу молларга суми-альфа 20% пиретроид препаратининг 0,012% ли сувли эмульсияси (3 литр/бош) (терн юзасига) пуркалди. Моллар 4 кун мобайнида кузатилди, препаратнинг терапевтик самарадорлиги 100 фоизни ташкил этди.

Шахсий хўжаликлардан 10 бош қорамоллар текширилганда танасида кам микдорда (*H. anatolicum*, *H. plumbeum*) каналари борлиги кузатилди ва улар суми-альфа препаратининг 0,012% ли сувли эмульсияси билан (2-3 л/б. ҳажмда) (териси юзасига пуркаш усулида) дориланди. Бу моллар 3 кун мобайнида кузатилди, препаратнинг акарицид самараси 100 фоизни ташкил этди.

Май ойида жами 34 бош қорамол текширилди ва 20 бош қорамолларда эктопаразитлар топилди. *Asosan Hyalomma*, *Rhipicephalus* авлодларига мансуб каналар учради. Триходектоз (*Trichodectes bovis*), сифункулятоз (*Linognathus vituli*) касаликлари билан касалланган моллар даволанди. Молларни даволашда суми-альфа 20% к.э. (0,012% с.э.) ҳамда каратин 50 (5%) к.э. 0,003% сувли эмульсияси қўлланилди. 3 кунда инсектицид ва акарицид самара 100 фоизни ташкил этди.

“Богизогон” маҳалласидаги шахсий хўжаликларда триходектоз, гиаломмоз, рифицефалёз билан касалланган 10 бош қорамол, 3 бош қўй “Даволанди. Қорамолларга каратин 50 (5%) препаратининг 0,003% сувли эмульсиясидан (2-3 л/бош) тери юзасига пуркалди. Қўйларнинг бели устига препаратни тукиш усулида (умуртка погонасининг бошидан думгазагача, 500 мл/бош ишчи эмульсия) дориланди. Ҳайвонлар 4 кун мобайнида кузатилди ва 3 кундан сўнг препарат самарадорлиги 100 фоизни ташкил этиши аниқланди.

“Тепакшлок”, “Богизогон” маҳаллалари шахсий ҳамда хусусий хўжаликларидаги 14 бош қорамол гиаломмоз (*Hyalomma anatolicum*, *H. plumbeum*, *H. scupense*) билан касалланганлиги аниқланди. Моллар 2 гуруҳга, тажриба ва назорат гуруҳларига ажратилди. Тажрибадаги 7 бош қорамолнинг ҳар бирига дельтаметрин 5% ли препаратини 0,015% ли сувли эмульсиясидан 1,5 литр/бошдан ишчи эмульсияси пуркалди. Назоратдаги 7 бош

қорамолга эса 1,5 литрдан оддий сув пуркалди. Натижада 2 суткадан сўнг тажриба гуруҳидаги 7 бош қорамолларнинг танасидаги эктопаразитларининг 100 фоиз нобуд бўлгаилиги аниқланди. Назоратдаги 7 бош қорамол танасидаги паразитларнинг барчаси тирик қолганлиги кузатилди. Препаратнинг акарицид самараси 100 фоизни ташкил этди.

Хулосалар: 1. 2015 йилда эктопаразитларнинг феномиграцияси кечикиш ҳолати аниқланди.

—■

2. Суми-альфа 20 фоизли препаратининг 0,012% сувли эмульсияси, дельтаметрин 5 фоизли препаратининг 0,015% сувли эмульсияси, каратин 50 (5%) ли препаратининг 0,003% сувли эмульсияси қорамоллар ва қўйларнинг гиаломмоз (Hyalomma), рифицефалёз (Rhipicephalus), триходектоз, сифункулятоз касаллкларига нисбатан юқори (95-100 фоиз) терапевтик ва инсектоакарицид самара кўрсатади. Ушбу препаратларнинг терапевтии ва паразитоцидлик хусусиятларини ўрганнш ишларини давом эттириш мақсадга мувофик..

УДК 619:632.934.4

ЗООКУМАРИН, КАК ЭФФЕКТИВНЫЙ РАТИЦИД ДЛЯ БОРЬБЫ С ПАСТБИЩНЫМИ ВРЕДИТЕЛЯМИ

М.Ш.Мирзаев, Ф.С.Пулатов, В.Р.Хаитов Научно-исследовательский институт ветеринарии

Summary

Zookumarin as effective ratitsid to combat pests pasture" posvyashena develop effective methods to combat rodents kind of "Gophers", which cause considerable damage to crops and pastures. The most effective means of disinfestation and optimal timing of its implementation

Key words: rodent, rodents, zookumarin, ratitsid, gopher.

Введение. Необходимость проведения дератизационных мероприятий на сельскохозяйственных угодьях и пастбищах вызвана эпизоотической опасностью, которую представляют различные грызуны, как переносчики ряда опасных инфекций и инвазий животных. Кроме того, они наносят значительный экономический ущерб, вследствие массовой порчи посевных площадей, уничтожения культурных пастбищных растений и кормовых запасов.

Особенно остро проблема борьбы с грызунами и, в частности, с сусликами стоит в полевых регионах Узбекистана. Этот вид грызунов наносит разнообразный вред сельскохозяйственным культурам и пастбищам. Так, расселяясь на посевах, они состригают колосья или растения целиком, а на посевах многолетних трав уничтожают листья и бутоны. Суслики, выбрасывая кучи земли из глубинных слоев почвы, способствуют ее засолению и тем самым снижают плодородие последней, затрудняется также и механизированная уборка кормовых культур.

В последние годы в Узбекистане наблюдается устойчивое заселение сусликами посевов сельскохозяйственных и кормовых культур, причем, этому способствует высокая засоренность полезных культур травянистой растительностью, создающей для грызунов оптимальную кормовую базу и вызывающей изменения в их поведении. В итоге появилась своеобразная популяция сусликов, характеризующаяся лучшей упитанностью, высокой плодовитостью, ранним залеганием в спячку, лучшей выживаемостью молодняка и вследствие этого большим процентом его в составе популяции.

В настоящее время значительное количество грызунов этой популяции наблюдается рядом с населенными пунктами и, особенно, на территориях птицеводческих хозяйств, а поэтому разработка эффективных мер борьбы и профилактики с ними актуальна и необходима.

Материалы и методы исследования. Исследования проводились на территории птицефабрики «Мароканд» Самаркандской области. Основными объектами наблюдений служили суслики.

Определение видового состава, идентификацию грызунов и борьбы с ними осуществляли по методам Громова ИМ., Ербаевой М.А. и др.; Г.А.Новикова; В.И.Вашкова